

«Жарохат» арабча сўз бўлиб, урилгандан кейин коладиган асоратга айтилади. Шунингдек жарохат сўзи айблаш, камситиш маъносида ҳам келади, масалан: тили билан жарохатлади дейилганда «айблади, нуксонли санади» маъноси тушунилади. Жарохат сўзининг мазкур маъноси мажоз туридан бўлиб, бу ўринда маънавий жарохат назарда тутиляпти, яъни, у қурол билан жарохатлаш каби моддий эмас. Жаррохлик сўзи атама сифатида инсон баданининг холатига караб, уни текширадиган ҳамда ташки ва ички аъзоларга бўлган таъсирни аниқлаб даволайдиган касб маъносини ўз ичига олади. Замонавий тиббиётда жаррохлик атамасига шундай таъриф берилган: "Инсон баданига етган зарарни кетказиш ёки тикиш, йирингни ёки касалдаги зарарли моддани чиқариб ташлаш учун тешиш ёки бир аъзони олиб ташлаш мақсадида килинган иш жаррохлик".

Ислом тарихида жаррохлик. Ўрта асрларда Европа қора зулмат ичида яшаётган бир пайтда ислом мамлакатлари илмий, маданий, маиший ривожланишларни кўлга киритар экан, бу билан ўзга миллатлардан устунлигини ҳам кўрсатган. Замонавий жахон тиббиёти Ислом олимлари тажрибаларидан фойдалангани холда катта ютуқларни кўлга киритишгани бугун кўпчиликка маълум. Қуйида тиб илми бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан бебаҳо мерос қолдирган баъзи шарқ олимларининг фаолияти билан қисқача танишамиз.

Абу Бакр Муҳаммад Розий (х.ж.251/ мел.830) Ирокнинг Рой шаҳрида тугилган. Ўттиз ёшларида Богдодга қилган илмини ўрганиш учун сафар қилади. Тахсил ҳосил қилганларидан сўнг Мористоннинг рухий касаллар шифохонаси бошлиғи қилиб тайинланади. Тибда 130 дан ортиқ китоблар ёзиб қолдирган. "Таомларнинг фойда ва зарарлари" китоби жуда машҳур бўлган. У киши биринчилардан бўлиб синикларни жаррохлик орқали даволашни ва гипс қилишда ҳар хил услублардан фойдаланишни йўлга қўйган. Ички аъзоларга катетр (йиринг ва қолдик қонлар чиқиб кетиши учун қўйиладиган) асбобни ишлатган. Хайвон ичагидан тикиш ишларида ип сифатида фойдаланган (олдин хайвон қили ёки аёллар сочи ишлатилган). Хайвон ичаги жисм билан бирикиши, жарохат ўрни қолмай тез битиб кетиши билан афзал ҳисобланган. Наркоз латтачаси ва зажим тампонни ҳам ўз жаррохлик ишларида биринчи бўлиб қўллаган. Жаррохлик пайтида ичдан ва томирдан кетадиган қонни биринчи-лардан бўлиб аниқ фарқларини баён қилиб, ички қон кетишини қандай тўхтатиш йўллари аниқлаган. Хижрий 311(мелодий 890) йилда Богдод шаҳрида вафот этган.

Хусайн ибн Абдуллох ибн Хасан ибн Абу Али ибн Сино (х.ж.370 / мел.949) Бухоронинг Хурмуш қишлоғида тугилган. Илм ҳосил қилиш мақсадида Самарқанд, Хоразм, Исфажон, Ирок ва Шомга сафар қилган. Изланишлари натижасида нафақат ўз замонасининг, балки келажак замонларнинг ҳам буюқ олими бўлган десак, муболага бўлмайди. "Тиб қонунлари" китоби ҳозирда ҳам Европа тиббиёт олийгоҳларида ўқитилади ва юзлаб тилларга таржима қилинган. У киши биринчилардан бўлиб болани жаррохлик йўли билан тугдириш ва буралган ичакларни тўғирлашни жаррохлик амалиётида қўллаган.

Акмал Хўкандий